

Қурилиш материаллари саноатига халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар (2020 й. май ойи ҳолатига)

Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида халқаро стандартларни таҳлил қилиш ва соҳага тадбиқ этиш бўйича “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси “Ўзстандарт” агентлиги билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйганлиги натижасида, бугунги кунга келиб **340 та** қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича халқаро стандартлар қабул қилинди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида республикамиздаги амалдаги стандартлар инвентаризация қилинди. Унга кўра бугунги кунда республикамизда ушбу соҳада **547 та** халқаро (минтақавий), **110 та** давлат стандартлари, **20 та** хорижий давлатларнинг миллий стандартлари мавжудлиги аниқланди. Юқорида таъкидланган стандартлардан 91 таси халқаро стандартлар билан уйғунлашган. Самарасиз, эскирган стандартлар бекор қилинди.

Уюшма томонидан “Ўзстандарт” агенлиги билан ҳамкорликда қурилиш материаллари соҳасидаги **542 та** халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича тизимли ишлар давом этдирилмоқда.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги **192 та** экспортёр корхона ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган **ISO 9001, ISO 14001, ISO 50001** менежмент тизимларини жорий этиш бўйича мутасадди идоралар билан келишилган ҳамда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган (10.03.2020 й. ВМ 05/1-1864-сон) “Йўл харита”си ижроси бўйича ишлар амалга оширилмоқда.